


REPUBLIC OF UZBEKISTAN
MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALISED
EDUCATION
BUKHARA STATE UNIVERSITY

English Linguistics Department

INTEGRATION OF PRAGMALINGUISTICS, FUNCTIONAL TRANSLATION STUDIES AND LANGUAGE TEACHING PROCESSES

(dedicated to the 75th anniversary of Candidate of Philological Sciences,
Associate Professor M.Kh.Alimova)

Proceedings of International Scientific-theoretical Webinar



Buxoro davlat universiteti Xorijiy tillar fakulteti Ingliz tilshunosligi kafedrasи

“PRAGMALINGVISTIKA, FUNKSIONAL TARJIMASHUNOSLIK VA TIL O’RGATISH JARAYONLARI INTEGRATSIYASI”

(Filologiya fanlari nomzodi, dotsent M.H.ALIMOVA tavalludining 75 yilligiga bag’ishlanadi)
mavzusida tashkillashtirilgan Xalqaro ilmiy-nazariy anjuman



QAYSİ TILLARDA
O’zbek, rus, ingliz



Manzil: Buxoro davlat universiteti
Buxoro shahar M.Ishbol ko’chasi
11-uy.

BUKHARA -2020

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Инглиз тилшунослиги кафедраси

**ПРАГМАЛИНГВИСТИКА, ФУНКЦИОНАЛ
ТАРЖИМАШУНОСЛИК ВА ТИЛ ЎРГАТИШ
ЖАРАЁНЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИ**

(Филология фанлари номзоди, доцент М.Х.Алимова таваллудининг 75
йиллигига бағишиланади)

**мавзусидаги халқаро миқёсидаги онлайн
илемий-назарий конференция материаллари
ТҮПЛАМИ**

2020 йил, 25 декабрь

**Бухоро
"Дурдона" нашриёти
2020**

ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎРГАНИШДА ТАРЖИМАНИНГ АҲАМИЯТИ ВА РОЛИ

М.Т.Бабаев

(БухДУ),

В.Т.Бабаева

катта ўқитувчи (БухДУ)

Аннотация. Мақолада таржима тушунчаси кенг ёритилиб, таржима хақидаги турли хил қарашлар ва таржима жараёнида учрайдиган муаммолар, таржиманинг кенг қамровли аҳамияти кўплаб олимларнинг қарашлари орқали баён этилган.

Аннотация. В статье подробно рассматривается концепция перевода, разъясняются различные взгляды на перевод и проблемы, возникающие в процессе перевода, а также всесторонняя важность перевода с точки зрения многих ученых.

Abstract. The article discusses in detail the concept of translation, explains the different views on translation and the problems that arise in the translation process, as well as the comprehensive importance of translation from the point of view of many scholars.

Калит сўзлар: Таржима, таржима жараёни, интеллектуал, мутаносиблик, коммуникатив, менталитет.

Ключевые слова: перевод, переводческий процесс, интеллектуал, соразмерность, коммуникативность, менталитет.

Key words: translation, translation process, intellectual, proportionality, communication, mentality.

Бизга маълумки, бугунги кунда чет тилларини ўрганиш замон талабига айланмоқда. Замон билан ҳамоҳанг тарзда яшашни истаган ҳар бир маданиятли, зиёли шахснинг ҳозирги кунда ҳеч бўлмаганда 1 та чет тилини мукаммал тарзда ўрганиши заруриятга айланди. Мамлакатимизда чет тилларини ўрганишга кенг йўл очиб берилиши ҳамда ҳукуматимизнинг тегишли фармонига биноан 1-синфдан чет тилларини ўқитиш тизимининг йўлга қўйилиши ва буни такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотлар фикримиз далилидир.

Ҳозирги даврда чет тилларини ўқитиш ва ўрганишнинг жуда кўп янги самарали метод ва усуллари мавжудки, уларнинг ҳар бирида ўзига хос афзаллик ва қулайликлар бор. Чет тилларини ўрганишда таржиманинг аҳамияти хақида сўз юритар эканмиз, эътиборингизни узок даврдан буён фойдаланиб келинаётган, бироқ айни вақтда анъанавий ва самарасиз деб топилган грамматик таржима методига қаратмоқчимиз. Шу ўринда таржима сўзига аҳамият беринг. "Таржима" тушунчасининг ўзи кўп маънолидир ва ўз ичига жараён (ақлий фаолият) ва бу жараённинг натижаси(нутқ асари, матн таржимаси)ни ўз ичига олади.

Таржима назариясининг асосчиларидан бири Л.С.Бархударов қуйидаги таърифни беради: "Таржима жараёни деб бир тилдаги нутқ асарларини иккинчи бир тилга мазмунини, яъни маъносини ўзгартирмаган ҳолда ўзгартиришдир". О.С.Ахманованинг талқинича эса "Таржима бу айнан бир нутқ асарининг мазмунини бошқа бир тил воситалари билан маълумотларни етказишидир" Р.И.Галпериннинг фикрича "Таржима бу бир тилдаги маъно мазмуни ва стилистик хусусиятларини бошқа бир тил воситалари билан беришидир". Г.Б.Колпанский эса "Таржима аввало асл тилнинг тўлиқ ва адекват берилишига қаратилган, шунинг билан бирга тил, ижтимоий ва маданий импликацияларининг ўйғунлигини ўз ичига олган муҳим коммуникатив фаолият турларидан бири" деб ҳисоблади.

Таржима бу ўйғун ва кўп қиррали фаолият бўлиб, бунда шунчаки бир тилнинг бошқаси билан алмашинуви содир бўлмайди. Таржимада турли маданиятлар, ҳар хил шахсиятлар, турлича менталитетлар, бошқа-бошқа удумлар, урф-одатлар ўзаро таъсир қиласи. Таржима ушбу жараёнда иштирок этаётган тилларнинг ва ушбу тиллар тегишли бўлган маданиятларни ҳам бебаҳо маълумотлар манбаи ҳисобланади.

Таржима бир тилдаги матнни бошқа тилда яратишдан иборат адабий ижро тури сифатида талқин этилади. Демак, у миллатлараро халқлар ва давлатлараро мулоқотда кўприк вазифасини уddyалайди. Таълим жараёнда тилни ўрганишда, айниқса, бошланғич билим оловчилар ўрганилаётган чет тили билан бир қаторда ўз она тилига ҳам эҳтиёж сезадилар. Улар ўрганилаётган ҳар бир сўз ва сўз биримасини англаш орқали чет тилини эгаллайдилар. Таржима нафакат бир сўз ёки иборанинг иккинчи тилда ифодаланиши, балки мантиқий ва интеллектуал фикрлаш маҳсулидир. Бугунги замонда чет тилини ўқитиш ва ўрганиш жараёнда ўрганувчининг она тилидан иложи борича камроқ фойдаланишга эътибор берилмоқда. Кўпгина мутахассислар таржима методидан фойдаланиш ўқувчининг мулоқот қилиш ва тинглаш қобилиятини ривожлантиришда самарасиз деб ҳисобламоқда.

Бироқ таржима инсоннинг билиш қобилияти билан узвий боғлик бўлиб, гарчан ўқув машғулотларида таржимага урғу берилмасада, ўқувчи чет тилида қабул қилган информациини ўз онгода ихтиёрий ёки ихтиёрисиз равишда ўз она тилига таржима қиласи. Бу эса ўз навбатида ўқувчининг фикрлаш қобилиятига таъсир қилиб ўрганаётган чет тилини она тили билан қиёслаш, солишириш имкониятини беради. Ўқувчи икки тилнинг ўхшашликлари ва тафовутини таҳлил қиласи. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ўз она тилини яхши ўзлаштирган, бадий сўз бойликларидан бехабар инсоннинг бошқа тилни ўрганишда кўпроқ қийинчиликка учраши ва айрим ҳолларда фақат сўзлашув тилини ўзлаштириши исботланган. Таржима жараёнда инсондан нафакат чет тилини билиш, балки, ана шу мамлакат маданияти ва ўзига хос жиҳатларидан боҳабар бўлиш талаб этилади. Илмий ва фан-техникага оид матнларни таржима қилишда таржимон ана шу соҳада етарли билим ва малакага эга бўлиши лозим.

Таржимон бадиий асарни ўз она тилига ўгиришда асосий вазифа сифатида аслият рухини, мазмунини сақлаб қолган ҳолда етказиб беришдир. Ўзбек таржимашунослик мактаби асосчиларидан Ф.Саломов мутаржим бирон бадиий асарни ўз она тилига ўгирар экан қуйидагиларга эътибор бериши лозимлигини таъкидлаб ўтган: "Бинобарин реалистик таржима талабига кўра, бошқа адабий мухитда яратилган асарни "бус-бутун ўзимизники"га айлантириб юборишга, миллий мансублик ва ўзига хослик тушунчалари билан боғлиқ ашёларни эркин айирбошлишга керагидан ортиқ ружу қилиш ярамайди. Тилимизга ўгирилган асарда тасвирланган бошқа халқ моддий ва анъанавий ҳаётининг биз учун ҳайратомуз, ғалати томонлари ҳам ўрни ва меъёри билан сақланмоғи лозим". Таржимон таржимада адекватликка эришиш учун нафақат матн мазмунига, ундаги ибораларнинг маъносига эътибор бериши керак, балки коммуникатив функцияларни ҳам кўздан қочирмаслиги лозим.

Мавзудан чекинмаган ҳолатда шуни таъкидлаш лозимки, тилшунос Дафф айтганидек таржима ўзига З та хусусият: мослик, аниқлик ва тўғриликни мужассам қилиши керак. Машғулотлар жараёнида таржимадан фойдаланиши ўқувчининг сўз бойлигини оширишдан ташқари, гап курилмаси ва грамматик қоидаларни пухта эгаллаши, мантиқий фикрлаши ва ўзига бўлган ишончнинг ортишига ёрдам беради. Чет тилини ўқитишида таржимадан фойдаланиши эскирган усул бўлиб туюлиши мумкин, бироқ бу усулдан янгича йўналишда фойдаланиш ва уни қизиқарли амалга ошириш мумкин. Аввало, таржима учун мавзуга оид, ўрганувчининг ёши ва қизиқишиларни хисобга олиб мавзу танлаш зарур.

Масалан, ўқув машғулотлари жараёнида ўқувчиларни 2-3 тадан гурухларга бўлиб, ёки жуфт бўлиб ишлаш орқали матнни таржима қилишга буюрилади. Ёки айни бир матнни барча гурухларга таржима қилишга бериш ва сўнг баҳс мунозара орқали қилинган таржималарни таҳлил қилиш, уларнинг хатоларини тузатиш ва таржимани умумлаштириш мумкин. Бу машғулотнинг қизиқ ўтишига ва мулоқотнинг қотиб қолмаслигига ёрдам беради. Матнни бўлакларга бўлиб, турли гурухларга тарқатиш орқали таржима қилиш ҳам яхши усул. Бу доимий индивидуал ишлашдан чекиниб, вактни тежашга ёрдам беради.

Шунингдек, таржимадан дарснинг кириш қисмида ҳам самарали фойдаланиш мумкин. Янги мавзуга оид кичик матн, мақол ва ҳикматли сўзлар, шеър ва қўшиклардан таржима қилиш учун ўқувчиларга бериш, янги мавзуни қизиқарли бошлиш ва ўқувчилар эътиборини жалб этишда яхши ёрдам беради. Бу каби усуллардан ўқитувчидан бироз маҳорат ва ижодий фикрлаш талаб қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бархударов Л.С. Язык и перевод. Вопросы общей и частной теории перевода. Москва, Международные отношения, 1975.

2. Саломов F. Таржима назариясига кириш. Тошкент, 1978.
3. Саломов F. Таржима назарияси асослари. Тошкент, 1983.
4. М.П.Брадес. Стили перевода. Москва, 1988.
5. В.Н.Комиссаров. Теории перевода. Москва, 1989.

ОНОМАСТИК ТАРКИБЛИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ТАРЖИМАШУНОСЛИКДАГИ ЎРНИ

M.A.Раджабова

(БМТИ)

Аннотация. Ушбу мақолада муаллиф фразеологизмлар таркибидаги диний ономастик компонентларни инглиз, рус ва ўзбек тиллари мисолида таҳлилга тортган ҳамда қардош бўлмаган тилларда уларнинг миллий хусусиятини сақлаган ҳолда таржима қилишга доир олимларнинг қарашларини келтириб, уларга муносабат билдирган. Шунингдек, ономастик бирликларнинг таржимашуносликдаги ўрни, уларнинг фразеологизмлар таркибидаги вазифаларини мухокама қилган.

Аннотация. В данной статье автор анализирует религиозные ономастические компоненты в структуре фразеологизмов на примере английского, русского и узбекского языков, а также приводя взгляды ученых о переводах при сохранении национального характера ономастических единиц на неродственные языки, выражает отношение к ним. Также, обсуждается роль ономастических единиц в переводоведении, их функции в структуре фразеологизмов.

Abstract. In this article the author has analyzed the religious onomastic components in the structure of phraseological units of English, Russian and Uzbek languages, and also, citing the views of scientists about translations preserving the national features of onomastic units into unrelated languages and expressed the attitude towards them. Also, it is discussed the role of onomastic units in translation studies, their functions in the structure of phraseological units.

Калит сўзлар: ономастик бирлик, фразеологизм, Қобил, Ҳобил, Нух, Холик, Иуда.

Ключевые слова: ономастическая единица, фразеологизм, Каин, Авель, Ной, Бог, Иуда.

Key words: onomastic units, phraseological units, Cain, Abel, Noah, God, Judas.

Таржима халқлар, миллатлар орасидаги кўп йиллик алоқа воситаси бўлиб, икки ва ундан ортиқ миллат вакилларининг маданияти ва кўп асрлик тарихи ҳакида маълумот олишда мухим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунга келиб таржиманинг миллат ва жамият тараққиётидаги роли янада ортиб бормоқда. Таржима орқали бир-бирига қардош бўлмаган халқлар ўзга

Tashpulatova V.I. Pragmatic solution of translation in linguacultural adaptation.....	341
Quvvatova Sh. Ingliz-o 'zbek tarjima jarayoni debochasi.....	343
<i>Бабаев М.Т., Бабаева В.Т.</i> Чет тилларини ўрганишда таржиманинг аҳамияти ва роли.....	348
<i>Раджабова М.А.</i> Ономастик таркибли фразеологизмларнинг таржимашуносликдаги ўрни.....	351
Zokirova N.S., Bahodirova M. Adequacy and Equivalence in translation studies.....	356
Kobilova A.B., Sidikboeva G. Representatives of the first and second stage of comparative studies.....	361
<i>Сайдова М.У.</i> Инглизча адабиётшунослик терминларини ўзбек тилига таржима қилиш масалалари.....	365
Navruzova N.H. Kombinator va pozitsion fonetik o'zgarishlar (Ingliz va o'zbek tillari misolida).....	368
<i>Тиловова Г.А.</i> Немис ва ўзбек тилларида ўрмончилик терминларининг диахрон ва синхрон тадқики.....	370
<i>Шарипова М.Ш.</i> Она тили ва чет тилини киёслаб уқитиш оркали эстетик дунёкарашни шакллантириш масалалари.....	374
<i>Каримов Р.А.</i> Ўзбек-инглиз параллел корпусида бирликларнинг турли структуралар билан ифодаланиши ва уни параллеллаш масаласи.....	380
<i>Каримов Р.А.</i> Реалияларнинг таржимада берилиши ҳамда унинг параллел корпусда ифодаланиши.....	384

4-ШЎЙБА: ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Akobirova Z.R. Overcoming challenges for International students in the United States universities: English language proficiency and academic success.....	389
<i>Ахмедов Б.Я.</i> Формирование у учащихся навыков языковой догадки.....	391
Abdujabbarova Z.R. Chet til o'qitish qiyosiy metodikasi xususida.....	395
<i>Ахмедова Н.М.</i> Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини интеграциялаштиришнинг инновацион технологиялари.....	400
Abdullayeva N.O., Gulyamova M. O'quvchi ta'limning tuzilishida ota-onalarning pedagogik ta'limi tizimining roli.....	405
Abdullayeva G.G., Nasriyeva Sh.F. Personality factor as one of the main issues influencing language learning.....	407
Fayzullayeva A.I., Djurayeva D.R. Ingliz tili o'qitishda multimedia vositalaridan foydalanish samaradorligi.....	412
Nazarova G., Sharipova G. Enhancing students' speaking skills through the technique "Debate".....	414